XALQ DEPUTATLARI QIZILTEPA TUMANI KENGASHINING
Q A R O R I

2021 - yil 30 - dekabr VI-29-56-5-72-K/21 Qiziltepa tumani hokimligi

Қизилтепа туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси 27,99-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 742-сонли Қонуни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун деб аталади)га асосан 2022 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда туман ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

Қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 62 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) ҳамда фойда солиғидан

тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) туман ва шаҳарлар ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

б) Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

в) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

айланмадан солиқ.

3. Қизилтепа туманининг 2022 йилги ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага;

2022 йил учун туман бюджети даромадлари прогнозлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. Туманнинг туман маҳаллий бюджетидан 2022 йилги ҳудудий

бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2022 йил учун туман бюджет даромадлари ва харажатлари прогнозлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. Вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2021 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 1,7 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармалари маблағларини бюджет тизими бюджетлари шакллантирилаётганда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

9. 2021 йил учун туман маҳаллий бюджети шахсий ғазна ҳисоб-варақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Жисмоний шахслар бўйича (дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 8-иловага мувофиқ, юридик шахслар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар 1 га учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи

коэффициентлар 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлари тегишли равишда халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан туман ҳокимлигининг таклифига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

Туман ва шаҳарлар ҳокимликлари туман ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

Туман ҳокими фавқулодда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида халқ депутатлари туман Кенгашларига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарорларни қабул қилади.

12. Қонунга мувофиқ:

туман ҳокими чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 2-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари туман ҳокимлигининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда
3 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиши тўғрисидаги белгиланган тартибга амал қилсин.

13. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

14. Туман ҳокимлиги:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга

тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қуриш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотларни тегишли равишда мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириб борсин;

туман маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадларини 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларида уларнинг натижаларини жойлаштириб борилишини таъминласин.

15. Туман ҳокимлиги Қонунга асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини тегишлилиги бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тақдим этиб борсинлар.

16. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш учун тегишлилиги бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига маълумот киритиб борилсин.

17. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор “Қизилтепа тонги” газетаси таҳририяти (Р.Мақсудов)га расмий эълон қилинсин, Туман ҳокимлиги Матбуот

хизмати (А.Умедов), ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

19. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

20. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Ҳайитов) ва халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Исломов) зиммасига юклансин.

Сессияда раислик қилувчи **У.Бобожонов**

Халқ депутатлари Қизилтепа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-29-56-5-72-K/21-сон қарорига
1-илова

Қизилтепа туманининг 2022 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз
1	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	105,6
2	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	106,9
3	Қурилиш ўсиш суръати, фоизда	101,2
4	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	102,8
5	Хизматлар ўсиш суръати фоизда	137,2

Халқ депутатлари Қизилтепа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-29-56-5-72-К/21-сон қарорига
2-илова

Қизилтепа тумани маҳаллий бюджети даромадларининг
2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

№	Даромад тури	Жами
	Жами даромадлар	**72 008 600**
I.	**Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад**	**14 958 600**
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	*49 862 000*
	ажратма меёри	***30***
1.	маҳаллий бюджетга	14 958 600
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	*3 700 000*
	ажратма меёри	
2.	маҳаллий бюджетга	0
II.	**Бириктирилган даромадлар**	**32 049 000**
	Туман ва шаҳарларга бириктирилган	**14 131 000**
1	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	580 000
2	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	5 585 000
3	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	2 062 000
4	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5 904 000
	Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар	**17 918 000**
1	Айланмадан олинадиган солиқ	8 701 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	0
2	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	10 168 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	0
3	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 587 000
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	3 587 000
4	Юридик шахслар ер солиғи	12 112 000
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	12 112 000
5	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2 219 000
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	2 219 000
6	Ижара тўловлари	250 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
7	Йиғимлар	4 853 000
	ажратма меёри	***0***
	маҳаллий бюджетга	0
	Вилоят бюджетига	**0**
1	Давлат божлари	5 150 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
2	Давлат ташкилотлари фойда солиғи	
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
3	Жарималар	8 000 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
4	Хусусийлаштириш	
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
5	Бошқа тушумлар	200 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
III.	**Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)**	**25 001 000**
	Аҳоли сони (минг киши)	*155 046*
14.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	9 461 000
15.	Тамаки махсулотларига акциз солиғи	10 150 000
16.	Мобил алоқага акциз солиғи	5 390 000

Халқ депутатлари Қизилтепа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-29-56-5-72-K/21-сон қарорига
3-илова

Қизилтепа маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги асосий харажат кўрсаткичлари тўғрисида

№	Кўрсаткичлар номи	Қизилтепа туман
	Харажатлар - жами	**179 930 200,0**
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами**	**133 985 260,0**
	шу жумладан:	
1.1	**Маориф**	**20 335 950,0**
	- мактабгача таълим	**7 848 510,0**
	- умумий таълим	**12 487 440,0**
	- кадрлар тайёрлаш	
1.2	Соғлиқни сақлаш жами	**74 588 155,0**
	соғлиқни сақлаш	**74 588 155,0**
	тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар	
1.3	**Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари**	**5 652 757,0**
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	**2 083 353,0**
	- спорт	**3 569 404,0**
1.4	Фан	
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	**33 364 755,0**
1.7	Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш	**4 000,0**
1.8	Фуқароларга етказилган зарарни коплаш	
1.9	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озик-овкат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	
1.10	Шаҳар пассажир транспортида баъзи категориядаги кишиларнинг бепул юришларини бюджетдан қоплаш	
1.11	Ижтимоий кўникма марказлари	**39 643,0**
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**19 903 284,0**
	шу жумладан:	
2.1	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	**695 161,0**

2.2	Ўсимликлар карантини инспекциялари харажатлари	
2.3	Ободонлаштириш	**16 241 735,0**
2.4	Кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларни ободонлаштириш харажатлари	
2.5	Иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари харажатлари	
2.6	Махсус эксплуатация-монтаж харажатлари	
2.7	Кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш	
2.8	Иссиқлик таъминот корхоналарига субсидиялар	
2.9	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	
2.10	Ўрмон хўжалиги ташкилотлари	
2.11	Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	
2.12	Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	
2.13	Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг худудий бўлимларини сақлаш харажатлари	
2.14	Ветеринария қўмитаси	**1 854 497,0**
2.15	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	
2.16	Автобус йўналишларининг йиллик субсидиялаш харажатлари	
2.17	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	**1 111 891,0**
3.	**Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар**	**0,0**
3.1	Туман ва шаҳар марказларини ободонлаштириш	
3.1	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	
3.2	Мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилиш, мукаммал аъмирлаш ва жиҳозлаш	
3.3	Умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш	
3.4	Соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш	
3.5	Мелиорация объектлари	
2.14	Ичимлик суви ва канализация	
4.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**8 794 532,0**
	шу жумладан:	
4.1	Давлат бошқарув идоралари	**8 794 532,0**

5.	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**7 062 395,0**
6.	**Заҳира жамғармаси**	**1 697 455,0**
7.	**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси**	**8 487 274,0**
8.	**Бошқа харажатлар**	**0,0**
	шу жумладан:	
8.1	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	
8.2	Адвокатлар хизмати	
8.3	Қабуллар уйини сақлаш харажатлари	
8.4	Чет эл кредитларини қоплаш	

Халқ депутатлари Қизилтепа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-29-56-5-72-K/21-сон қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
1	Қизилтепа тумани	100	100	30	100	100

Халқ депутатлари Қизилтепа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-29-56-5-72-K/21-сон қарорига
5-илова

Туман маҳаллий бюджетларининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	**Даромад**	**Харажат**
Қизилтепа тумани	72 008 600,0	179 930 200,0

Халқ депутатлари Қизилтепа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-29-56-5-72-K/21-сон қарорига
6-илова

Туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
Қизилтепа тумани	107 921 600,0

Халқ депутатлари Қизилтепа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-29-56-5-72-K/21-сон қарорига
7-илова

Туманлар маҳаллий бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
7	Қизилтепа тумани	**819 025,0**

Халқ депутатлари Қизилтепа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-29-56-5-72-K/21-сон қарорига
8-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар

(сўм ҳисобида)

Т/Р	Маҳалла фуқаролар йиғинлари номи	Туманда 1 кв.метр ер учун базавий солиқ ставкаси	Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан қўлланилган коэффициент *(0,7-3,0)*	2022 йил учун ер солиғи ставкаси
	1	*2*	*3*	*4*
1	Ғамхўр МФЙ	260	0,7	182
2	Нурафшон МФЙ	260	0,7	182
3	Ўртақўрғон МФЙ	260	0,7	182
4	Хумо МФЙ	260	0,7	182
5	Маликобод МФЙ	260	0,7	182
6	Узилишкент МФЙ	260	0,7	182
7	Сарой МФЙ	260	0,7	182
8	Қалайи Азизон МФЙ	260	0,7	182
9	Хўжақўрғон МФЙ	260	0,7	182
10	Окработ МФЙ	260	0,7	182
11	Бободўғи МФЙ	260	0,7	182
12	Зиёкор МФЙ	260	0,7	182
13	Ободдиёр МФЙ	260	0,7	182
14	Кулолон МФЙ	260	0,7	182
15	Қушарти МФЙ	260	0,7	182
16	Сўфиён МФЙ	260	0,7	182

17	**Буюк ипак йўли МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
18	**Бўлакработ МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
19	**Хомработ МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
20	**Тавоис МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
21	**Ғойибон МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
22	**Навқирон МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
23	**Гумбаз МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
24	**Яшнобод МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
25	**Оқсоч МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
26	**Айрончи МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
27	**Ванғози МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
28	**Тошмачит МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
29	**Башир МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
30	**Маданият МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
31	**Тожикон МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
32	**Пахтаобод МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
33	**Оқмачит МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
34	**Хафқориён МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
35	**Зарметан МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
36	**Работ МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
37	**Азизобод МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
38	**Арабхона МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
39	**Варозун МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
40	**Шейхон МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
41	**Мустақиллик МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
42	**Хусбуддин МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**

43	**Демас МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
44	**Консурун МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
45	**Ифтихор МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
46	**Гулбоғ МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
47	**Янги Ҳаёт МФЙ**	**260**	**0,7**	**182**
48	**Фурқат МФЙ**	**260**	**0,8**	**208**
49	**Бунёдкор МФЙ**	**260**	**0,8**	**208**
50	**Бўстон МФЙ**	**260**	**0,8**	**208**
51	**Ўзбекистон МФЙ**	**260**	**0,8**	**208**
52	**А.Навоий МФЙ**	**260**	**0,8**	**208**
53	**Гулзор МФЙ**	**260**	**0,8**	**208**

Халқ депутатлари Қизилтепа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-29-56-5-72-K/21-сон қарорига
9-илова

Юридик шахслар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар 1 гектар учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар

(сўм ҳисобида)

Т/Р	Маҳалла фуқаролар йиғинлари номи	Туманга 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкаси	Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан қўлланилган коэффициент *(0,7-3,0)*	2022 йил учун ер солиғи ставкаси
	1	*2*	*3*	*4*
1	Ғамхўр МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
2	Нурафшон МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
3	Ўртақўрғон МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
4	Хумо МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
5	Маликобод МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
6	Узилишкент МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
7	Сарой МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
8	Қалайи Азизон МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
9	Хўжақўрғон МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
10	Оқработ МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
11	Бободўғи МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
12	Зиёкор МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
13	Ободдиёр МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
14	Кулолон МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
15	Қушарти МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
16	Сўфиён МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
17	Буюк ипак йўли МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
18	Бўлакработ МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
19	Хомработ МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000

20	Тавоис МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
21	Ғойибон МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
22	Навқирон МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
23	Гумбаз МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
24	Яшнаобод МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
25	Оқсоч МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
26	Айрончи МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
27	Ванғози МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
28	Тошмачит МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
29	Башир МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
30	Маданият МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
31	Тожикон МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
32	Пахтаобод МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
33	Оқмачит МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
34	Хафқориён МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
35	Зарметан МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
36	Работ МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
37	Азизобод МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
38	Арабхона МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
39	Варозун МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
40	Шейхон МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
41	Мустақиллик МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
42	Хусбуддин МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
43	Демас МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
44	Консурун МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
45	Ифтихор МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
46	Гулбоғ МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
47	Янги Ҳаёт МФЙ	31 900 000	0,7	22 330 000
48	Фурқат МФЙ	31 900 000	0,9	28 710 000
49	Бунёдкор МФЙ	31 900 000	0,9	28 710 000
50	Бўстон МФЙ	31 900 000	0,9	28 710 000
51	Ўзбекистон МФЙ	31 900 000	0,9	28 710 000
52	А.Навоий МФЙ	31 900 000	0,9	28 710 000
53	Гулзор МФЙ	31 900 000	0,9	28 710 000